

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛИ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Фармонова Мадина Азамовна

Бухоро Давлат Университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7679502>

Дунё миқёсида АКТнинг жадал ривожланиб бориши миллий таълим соҳасида янги имкониятларни очиб берар экан, давлат томонидан кенг кўламли кўллаб-қувватлашни ҳамда республиканинг халқаро АКТ бозоридаги ўрнини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат амалда ўз ўрнини топмоқда.

Ўзбекистонда АКТдан фойдаланишга асосланган олий таълимнинг замонавий ахборотлаштириш тажрибасини шакллантириш ва фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ахборот технологиялари маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва буюртмачиларига қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш ҳисобига ушбу тармоқда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини янада чуқурлаштириш, АКТ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, шунингдек маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш чора-тадбирлари муҳим амалий қадам ҳисобланади.

Олий таълим тизимида ахборот технологияли таълимни ривожлантириш тендецияси ўқитиш психологиясининг янги назарияларига асосланган бўлиб, жамият эҳтиёжлари ва бошқа соҳа вакиллари томонидан яратилган ихтироларга эргашади. Жамиятнинг фойдали қазилмалари, моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари қаторида ахборот ҳам қимматли ресурслар тоифасида ўзига хос ишлаб чиқаришни, яъни технологияни тақозо этади. Педагогик жараён ва ҳодисаларини замонавий ахборотлаштирилган форматга ўтказиш, таълим объектининг янги сифат ҳолатига дахлдор ахборотни олиш, дидактик восита ва усуллар тўпламига технологик ишлов бериш ва таълим субъектларига тақдим этишга қадар амаллар бугунги педагогика соҳасининг ахборот технологиялаштириш моҳиятини изоҳлайди. Демак, педагогик муаммони ҳал этиш учун таҳлил ва қарор қабул қилишдан олдин ахборот технологияни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш талаб этилади.

Ўзбекистон таълим тизимининг турли бўғинларида ахборот технологияларни мақсадли қўллашга доир тажрибалар ҳам мавжуд. Ш.Н. Казаков ва Ж.Н. Эшпўлатовлар (Таълим, фан ва инновация 2020 №2, 130-133 бет) мақоласида мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг жисмоний ривожланиш жараёнининг алоҳида

параметрини назорат қилишда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг муаммо ва ечимлари таҳлил этилган бўлиб Санкт-Петербург шаҳридаги “Биосвязь” фирмаси 1996 йили БОС «Дыхание» тренажерини таълим мақсадларида қўллаш имкониятларининг самарадорлиги тадқиқ этилган.

З.Расулова мақоласида ўқув жараёнларини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш масалалари ва таълимни ахборотлаштириш муаммосини тадқиқ этишга доир мавзу тушунчалари ёритилган. Таълим тизими самарадорлигини ошириш бўйича ахборот-коммуникация технологияларининг муҳимлиги қатоида таълимни ахборотлаштириш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёни ўқитишдаги ташкилий шакллар ва методларнинг ўзгаришигагина эмас, балки ундаги янги методларнинг шаклланишига ҳам олиб келиш сабаблари ўрганилган.

Р.К.Чориев мақоласида раҳбар ва педагог кадрларнинг универсал компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, замонавий сифат менежменти тамойиллари асосида корпоратив таълим ва коучинг хизматларини кенгайтириш, кадрлар инновацион фаоллигини оширишнинг интеллектуал ахборот тизимларини яратиш, касбий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион фаолиятга йўналтирилган шакл ва методларини модернизациялаш, касбий педагогик таълим мазмунини индивидуаллаштириш масалаларининг илмий-амалий ечимига қаратилган технологиялар ва уларни амалиётдаги мазмун моҳияти алоҳида очиб берилган.

Д.Т. Пулатов таълим жараёнига электрон ахборот таълим ресурсларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари ҳақида фикр юритилган бўлиб, таълимда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти шунингдек, бошланғич синф курс тингловчиларининг дарс жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари, билимларнинг ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишига хизмат қилиши асослаб берилган.

Х.Ойбекова ва Ю.Чориев мақоласида Ўзбекистон таълим муассасаларида компьютер техникасидан самарали фойдаланиш масалалари, давлатимизнинг бу масалани қўллаб-қувватлаши борасидаги мавжуд қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари таҳлил қилинган.

Мақоланинг хулоса қисмида қуйидаги масалалар ҳал этилиши зарурияти асосланган:

- электрон таълимнинг ўқув-методик таъминотини яратишда аввало унинг илмий жиҳатдан таъминланиши;
- назарий ва амалий билимларни шакллантиришнинг оптимал мутаносиблилигига эришиш;
- республика иқтисодиёти соҳаларининг барча йўналишларида таълим ресурсларини тизимлаштирувчи ихтисослашган порталлар яратиш;
- ўзаро ахборот алмашинув ҳамда интерфаолликни таъминлаш; - ўқув ахборотларини фойдаланувчиларга етказишда телекоммуникация, видео, аудио, интерактив воситалар берадиган энг сўнгги ютуқ ва имкониятлардан фойдаланиш.

А.Ш. Мухаммадиев (2015) мақоласида аудиовизуал технологияларнинг таълим жараёнини ташкил қилишдаги ва таълим ресурсларини яратишдаги аҳамияти, таълим сифатини оширишдаги ўрни, таълим оловчи фаоллигини оширишдаги роли, янги авлод электрон ресурсларини яратишда олий таълим муассасасидаги тажрибали педагогларнинг педагогик маҳоратини ресурсга акслантиришнинг муҳим элементлари, муаллифлик ҳуқуқидан четлашмаган ҳолда, ҳар бир таълим муассасасидаги ахборот-ресурс марказлари (АРМ) электрон ресурслар базасини кенгайтириш, АРМлар ўртасида маълумот айирбошлашни йўлга қўйиш орқали таълим самарадорлигининг янада ошишига эришиш йўллари таҳлил этилган.

Демак таълим дастурларини бошқаришнинг ягона электрон платформаси мазмунида таълим жараёнлари иштирокчиларининг интерактив муносабатларини таъминловчи ахборотли, таълимий, ташкилий ва бошқарув қарорлари тўпламидан иборат бўлиши керак.

Олий таълим муассасаларида ахборот технологияли таълим имкониятларини кенгайтириш ва ушбу инновацион жараёнга хос бир қатор хусусиятларни эътиборга олишни тақозо этади.

1. Таълим йўналишларида замонавий электрон ахборот технологиялари билан анъанавий усулларни биргаликдаги уйғунлашуви педагогик жараён самарадорлигини оширишга ёрдам беради;

2. Олий таълим тизимининг масофавий электрон платформасида ўқиётган талабаларга компьютер технологияларидан фойдаланиш дастурининг назарий ва назорат ресурслари талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштиришга имкон беради. Таркиби амалий

(лаборатория) машғулотлардан иборат бўлганда талабаларни ўзлаштиришга йўналтирувчи методик кўрсатмалар, видео ва аудио визуал электрон материаллардан фойдаланиш орқали эришилади.

3. Агар синчковлик билан ишлаб чиқилган таълим лойиҳасининг электрон воситалари орқали талабалар томонидан маълумотларни қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинса электрон таълим курсининг дидактик самарага эга эканлиги намоён бўлади. Назарий материални ўрганиш қулайлиги учун кичик тест топшириқлари ва бутун мавзунини ўрганиб чиққандан сўнг якуний тестларни блоklarга бўлиш тавсия этилади.

4. Ўқув материални идрок этиш самарадорлигини ошириш учун матнларни график, видео ва аудио материаллар билан бирлаштирган мультимедиа маълумотларини тақдим этиш ва электрон ўқув қўлланмаларида катта аҳамиятга эга.

6. Таълим йўналишларида талабаларнинг мустақил таълим олиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда электрон таълим курсининг мультимедиа таркибий қисмлари (педагогик соҳа талабалари учун) – методик материаллар, амалий машғулотларининг дидактик воситаларини замонавий рақамлаштиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Расулова З. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўқув жараёнларини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида. - "Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842. - October 2021 / Volume 2 Issue 10.
2. Жуманов А., Йигиталиева М. Таълим тизимида инновацион технологиялардан интегратив мақсадларда фойдаланиш // ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2014, 1. – 16-21 бет
3. Ойбекова Х. Чориев Ю. Таълимда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш самарадорлиги. // ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 1. – 18-22 бет.
4. Мухаммадиев А.Ш. Таълим тизимининг ахборот таъминотини шакллантиришда аудиовизуал технологиялар. // ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 1. – 36-40 бет.
5. Донаева Ж.Х. Электрон дарслик таълим жараёни унумдорлигини ошириш воситаси. // ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 6. – 56-58 бет.

6. Турсунов Р.Б. Таълимда ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш тенденцияси. // Academic Research in Educational Sciences.- Vol. 1 No. 1, 2020 ISSN –Б. 2181-1385.
7. Чориев Р.К. Интеграциялашган ахборот таълим муҳитида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари. // Замонавий таълим / Современное образование 2020, 7 (92).- 57-61 бет.
8. Farmonova, M. A. (2021). TA'LIM UMUNDORLIGINI OSHIRISHDA MOBIL ILOVALARNING O'RNI. Academic research in educational sciences, 2(3), 695-699.
9. Фармонова, М. А. (2022). OLIY TA'LIM MUASSASASI TALABALARI UCHUN BOTANIKA FANIDAN YARATILGAN MOBIL ILOVANING DASTURIY IMKONIYATLARI: Farmonova Madina A'zamovna, tayanch doktorant. Buxoro davlat universiteti. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (7), 122-130.
10. Azamovna, F. M. (2021). Possibilities of Mobile Applications to Improve the Quality of Education. International Journal on Orange Technologies, 3(10), 19-21.
11. Nozimovich, X. X., & A'zamovna, F. M. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE FORMATION OF PROFESSIONAL SKILLS OF STUDENTS OF THE NON-SPECIALIST EDUCATION OF THE PEDAGOGICAL UNIVERSITY. Science and Innovation, 1(4), 206-212.
12. Hakimov, X., & Farmonova, M. (2022). PEDAGOGIKA UNIVERSITETINING NOMUTAXASSISLIK TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA KASBIY MAHORATNI SHAKLLANISHIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORTNING AHAMIYATI. Science and innovation, 1(B4), 206-212.
13. A'zamovna, F. M. (2021, October). Zamonaviy Ta'limda Mobil Ilovalar Orqali Òqitish Nazaryasi. In " ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 95-96).

